

## Ҳиндистон

[www.bis.org.in](http://www.bis.org.in)

[www.morth.nic.in](http://www.morth.nic.in)

[www.europa.eu.int](http://www.europa.eu.int)

<http://www.indostan.ru>

### Стандартлаштириш

Ҳиндистон стандартлари бюроси (ҲСБ) – 1986 йилда ташкил этилган, Ҳиндистондаги стандартлар ва товарлар сифатининг мувофиқлигини назорат қилиш миллий органи. «Bureau of Indian Standards Act – 1986» Қонунига биноан ҲСБ қуйидаги вазифаларни бажаради:

- ЖСТ талабларини ҳисобга олган ҳолда стандартлаштириш соҳасидаги сиёсатни тузади;
- озиқ-овқат маҳсулотларини синаш усулларини ишлаб чиқади;
- истеъмолчилар бозорида тилла ва кумуш буюмларни сотиш учун лицензия беради;
- ички бозорда сотиш ва фойдаланиш учун мўлжалланган чет эл ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулотини сертификатлаштиради;
- ишлаб чиқарувчилар ва экспортларга ЖСТ талабларини маълум қилиш учун ахборот бюралари миллий тизимини бошқаради;
- ички бозорга мўлжалланган товарларни сертификатлаштириш учун лицензия беради;
- товарлар Ҳиндистон стандартлари белгилари (Indian Standard, IS) билан тамғаланишини назорат қилиш бўйича чора-тадбирлар ўтказиш учун лицензия беради. Ушбу чора-тадбирлар йўл қўйилиши мумкин бўлган бузишлар тўғрисида ахборот тўплаш, текширувлар ўтказиш, товар намуналарини мусодара қилиш, савдо точкалари бўйича рейдлар ўтказиш ҳамда далиллар тўплашни ўз ичига олади.

Ҳиндистон стандартлари каталоги, шунингдек стандартлаштириш органлари билан <http://www.standardsbis.in/Gemini/home/Home.action> ҳаволаси бўйича расмий сайтда танишиш мумкин.

### Сертификатлаштириш

Ҳиндистон стандартлари бюроси (ҲСБ)нинг талабларига асосан Ҳиндистонда, мамлакатга олиб киришдан аввал мажбурий сертификатланиши лозим бўлган 100 дан ортиқ номланишдаги товарлар мавжуд.

Фақатгина тасдиқланган рўйхатда кўрсатилган маҳсулот **мажбурий сертификатланиши** лозим. Рўйхатга, озиқ-овқат маҳсулотлари, озуқавий қўшимчалар ва бўёқлар, цемент, газ баллонлари, электр асбоблар ва деталлар, турли вазифадаги батареялар, рентген жиҳозлари, болани овқатлантириш учун бутилкачалар, сақловчи оёқ кийим, минерал суви, тиббиёт термометрлари ва электр асбоб-ускуналар, алмашлаб улагичлар, узгич, кабеллар ва трансформаторлар каби маҳсулот турлари киритилган. Бундай маҳсулотни фақат Ҳиндистон стандартлари бюроси (ҲСБ)да сертификатлаштириш тартиб-таомилидан ўтгандан сўнг импорт қилиш рухсат этилади. Мажбурий сертификатлаштириш талаблари тааллуқли бўлган маҳсулотларнинг тўлиқ рўйхати билан Ҳиндистон стандартлари бюросининг [www.bis.org.in](http://www.bis.org.in) сайтида танишиш мумкин.

ҲСБ сертификатлаштириш тартиб-таомили асосан учинчи тараф томонидан сертификатлаштириш тизимига доир асос бўлувчи талабларни белгиловчи

ISO/IEC 28 Қўлланмасининг қоидаларига асосланади. Ҳиндистоннинг кўп стандартлари ISO ва IEC стандартлари билан уйғунлаштирилган, ва бу уларнинг IS/ISO ёки IS/IEC белгиланишида акс эттирилган. Маҳсулотни сертификатлаштириш схемасининг элементлари ISO/IEC 65 Қўлланмасининг талабларига мувофиқдир. Шунингдек ҲСБ махсус схема бўйича экологик жиҳатдан хавфсиз маҳсулотга сертификатлар бериб, маҳсулотга ECO MARK сифатида маълум бўлган экологик тамғани беради.

Ҳиндистонда маҳсулот сертификатлаштириш тизими кўп ҳинд стандартлари ёзишма олиб борадиган Халқаро сертификатлаштириш ташкилотининг нормалари ва принципларига аҳамиятли даражада асосланган. Буюмнинг жаҳон стандартларига мувофиқлиги тўғрисидаги сертификатлар маҳсулот ишлаб чиқарувчининг сифат назорати тизимларини баҳолаш ва текшириш, корхонадаги тегишли механизмларнинг ишлаб туриши устидан доимий кузатув олиб бориш ҳамда бевосита ишлаб чиқаришдан ва бозордан олинган алоҳида товар намуналарини тўсатдан текшириш ва синовдан ўтказиш асосида берилади. Бунда, кўп маҳсулотлар иккита сифат белгисини олади (ҳинд ва халқаро).

Чет эл ишлаб чиқарувчиларини сертификатлаштириш жараёнида Ҳиндистон стандартлари бюроси Ҳиндистон стандартига ва унинг тавсифларига қўйилган талабларга мувофиқ бўлган ҳар қандай товарни сотишга лицензия тақдим этиши мумкин. Тадбиркорга ҳинд стандартларига мувофиқлик белгисидан фойдаланиш рухсат этилиши

Ҳинд стандартларининг талабларига мувофиқ бўлган маҳсулот ISI Mark белгиси билан тамғаланади.

#### **Тўқимачилик маҳсулотларини импорт қилиш**

Тўқимачилик маҳсулотлари таркибида Ҳиндистон экологик химоя далолатномаси (Environment (Protection) Act, 1986)нинг қоидаларига биноан қўлланилиши ман этилган зарарли бўёқ моддалари мавжуд бўлмаса ушбу маҳсулотларни Ҳиндистонга олиб кириш рухсат этилади. Товар ишлаб чиқарилган мамлакатдаги аккредитланган миллий синов лабораториясининг сертификати тақдим этилиши мажбурийдир. Бундай сертификат бўлмаса, синовдан ўтказилиб, Ҳиндистон лабораторияларида сертификат олингунча товар божхона омборларида ушлаб қолинади.

#### **Озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилиш**

Озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилувчилар, озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилишда Ҳиндистон бундай маҳсулотнинг яроқлилик муддатини аниқлашга ўз талабини қўйишини инобатга олиши лозим. Импорт қилинадиган маҳсулот, ишлаб чиқарувчи томонидан кўрсатилган дастлабки муддатнинг 60 % ни ташкил этувчи муддатга эга бўлиши керак. Яроқлилик муддати этикеткада кўрсатилган ишлаб чиқарилган санаси ва реализация қилиш якуний санасини ҳисобга олган ҳолда ҳисобланади.

ҲСБ лицензиясини олиш учун сўровчи [www.bis.org.in](http://www.bis.org.in) сайтида олиш мумкин бўлган сўровноманинг тўлдирилган формаси билан Бюрога мурожаат қилиши керак.

ҲСБ амалдаги қоидаларига биноан чет эл ишлаб чиқарувчиси:

- Ҳиндистон Резерв Банкнинг директиваларига мувофиқ ҳолда ҲСБ сертификатлаштириш қоидалари ва йўриқномаларига риоя қилиниши учун масъулиятни ўз зиммасига олувчи ўзининг ваколатномасини Ҳиндистонда очиши керак; (агар ҲСБ сўровчи мамлакат ҳукумати билан ҳамжиҳатлик тўғрисида тегишли меморандум имзоласа ёки агар чет эл ишлаб чиқарувчиси Ҳиндистонда ҲСБ қоидалари ва йўриқномаларига риоя

қилиниши учун масъул шахсни тайинласа, Ҳиндистонда ваколатнома очилиши шарт эмас);

- ариза рўйхатга олингандан сўнг процессуал ҳаражатларни тўлаши керак;
- сертификатлаштириш ҳаққини тўлаши керак;
- мутахассислар гуруҳи (одатда 2 одамдан кўп эмас) ишлаб чиқариш хоналарига бориши учун уларнинг транспорт ҳаражатларини, яшаш ҳаражатларини (жумладан суткалик пул) тўлаб бериши керак;
- лицензия беришда, биринчи 1 млн АҚШ доллари учун товарнинг белгиланган баҳосига +1%, кейинги 1,5 млн АҚШ доллар учун +0,5% ва белгиланган баҳонинг қолган қисми учун +0.2% тамғалашга ҳар йили тушган пулни тўлаш.

Даъвогарга лицензия қуйидаги ҳолларда тақдим этилади:

- агар дастлабки синовлар натижалари қониқарли бўлса;
- агар даъвогар тегишли ишлаб чиқариш ва текшириш асбоб-ускуналарига, шунингдек товар синовларини ўтказиш учун лаёқатли мутахассисларга эга бўлса;
- агар ишлаб чиқарувчи синаш ва текшириш схемасини (STI) бажариб, товарни тамғалаш учун ҲСБга ҳақ тўлаб беришга рози бўлса.

ҲСБ аниқ товарлар тоифаларини сертификатлаштириш тўғрисидаги гувоҳномани рўйхатга олиб, тегишли лицензия беради. Унинг бошлангич амал қилиш даври – бир йил.

Ишлаб чиқаришдан ва бозордан танлаб олинган намуналарнинг даврий фабрика ва мустақил синовлари жараёнида товарнинг ўрнатилган параметрларга мувофиқлиги тасдиқланса лицензия янада узоқ муддатга узайтирилиши мумкин. Бундай текширувлар ва синовлар нарҳи ишлаб чиқарувчи томонидан тўланади. Лицензияга эга бўлган шахс унинг амал қилиш муддатини узайтириш ва ҳаққини тўлаш учун ҲСБга ўрнатилган шаклда мурожаат қилиши лозим.

Ишлаб чиқарувчининг лабораториясида ўтказилган товар намуналари синовларининг натижалари бўйича қилинган хулосалар нусхалари аризага илова қилиб юборилиши керак. Иловалар ва барча керакли ҳужжатлар электрон кўринишда қуйидаги манзил бўйича тақдим этилиши мумкин: E-mail: [cmd1@bis.org.in](mailto:cmd1@bis.org.in)